# ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИДА ФИТОФАГ ВА ЭНТОМОФАГ ҲАШАРОТЛАРНИНГ ҲОЛАТИ

***АННОТАЦИЯ:** В результате исследовании выявлено основных групп насекомых фитофагов и энтомофагов в пастбищах. Из фитофагов на пастбищах встречается основном прямокрылые (саранчовые, кузнечики, сверчки, медведки) жесткокрылые (чернотелки, проволочники, кравчики), равнокрылые (тли, цикадки, медяницы), полужесткокрылые (клопы мириди, травянистые клопы)и другие. Из энтомофагов главным образом встречается божикоровки, жужелицы, наездники, златоглазки и пчёлы опылители. Рекомендуется способы сохранения энтомофагов и других полезных насекомых на пастбищах.*

***ANNOTATION:** As a result of the study, the main groups of insect phytophages and entomophages in pastures were identified. Of the phytophages in the pasture, there are mainly Orthoptera (locusts, grasshoppers, crickets, bears), Coleoptera (black beetles, wireworms, Kravchiks), Homoptera (aphids, cicadas, honeypots), Semi-winged (Miridis bugs, grass bugs) and others. Of the entomophages, the main species are bozikorovki, ground beetles, riders, lacewing and bee pollinators. Recommended methods of preserving entomophages and other beneficial insects on pastures.*

***Калит сўзлар:** чўл ҳудудлари, ўсимлик, энтомофаг, фитофаг учраши, зарарлилик, ҳашарот, биоценоз ва биохилма-хиллик.*

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмини чорва ҳайвонлари боқиладиган ҳамда асаларичилик учун аҳамиятга эга бўлган қир-адир ва тоғолди яйловлари ташкил этади. Бухоро вилоятининг чўл ҳудудлари, яйловларда олиб борган тадқиқотларимизда (2010-2018 йй.) яйлов ўсимликларида фитофаг ҳашаротлардан: қандим ипак ўровчиси, қандим ширинчаси, янтоқ баргхўри, ширалари, чигирткалар, чирилдоқлар, темирчаклар, қора танли қўнғизлар, қарсилдоқ қўнғизлар, саратончалар ва бошқа ҳашаротларни кўплаб учратдик(1-жадвал).

Саксовул ўсимлиги ўсадиган жойларда термит уялари ҳам учрайди. Агар термитлар саксовул ўсимлиги орқали уйларга ўтин билан бориб қолса, уйлардаги ёғочларга катта зарар етказиши мумкин. Биз бу ҳақда ўттиздан ортиқ аҳоли пунктларида тушунтиришлар олиб бордик.

Чўл-худудларидаги яйловларда тупроқ намуналари (0,5х0,5 м$^2$х30 см) олганимизда қора танли қўнғизлар, қарсилдоқ қўнғизлар, чигирткаларнинг кўзачалари ҳамда йиртқич чумолишерларнинг борлигини аниқладик.

Тажрибаларимизда олинган маълумотлардан аниқланишича, Ўзбекистон чўл-худудлари яйловларида ўсувчи ўсимликларда фитофаг ҳашаротлар билан бир қаторда кўплаб энтомофаг ҳашаротлар ҳам учрар экан.

Фойдали ҳашаротлардан айниқса, хонқизи, олтинкўзлар, сирфид пашшалари, яйдоқчилар, визилдоқ қўнғизлар, ориус ва набис қандалалари, турли хил арилар ва чигирткаларнинг кўзачаларида малҳамчи қўнғизларнинг личин-

**1-жадвал.** *Бухоро вилоятининг чўл худудларидаги яйлов ўсимликларида энтомофаг ва фитофаг ҳашаротларнинг учраши.*

| № | Асосий ҳашарот турлари | Фитофаглар учраши | | Экинларга хавфлилик даражаси | Энтомофаглар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тупроқ усти | тупроқ ости | | |
| | Фитофаглар | | | | |
| 1. | *Тўғриқанотлилар:* | | | | |
| | Чигирткалар | ++ | ++ (кўзача-лари) | 000 | |
| | Чирилдоқлар | + | + | 0 | |
| | Темирчаклар | + | | 00 | |
| | куйрукли бузоқбоши | + | + | 0 | |
| 2. | *Қаттиққанотлилар:* | | | | |
| | Қоратанлилар | + | + | 0 | |
| | Қарсилдоқлар | + | + | 0 | |
| | Кравчиклар | + | + | 0 | |
| 3. | *Тангақанотлилар:* | | | | |
| | Кузги тунлам | + | + | 00 | |
| | Қандим ипак ўровчиси | + | | | |
| | Янтоқ баргхўри | ++ | | | |
| 4. | *Тенгқанотлилар:* | | | | |
| | Ўсимлик ширалари | ++ | | 00 | |
| | Қандим ширинчаси | ++ | | | |

**1-жадвал.** *Давоми.*

| № | Асосий ҳашарот турлари | Фитофаглар учраши | | Экинларга хавфлилик даражаси | Энтомофаглар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тупроқ усти | тупроқ ости | | |
| | Саратончалар | ++ | | 0 | |
| 5. | *Қандалалар:* | | | | |
| | Мирид қандалалари | + | | | |
| | Ўт қандалалари | + | | | |
| 6. | *Термитлар* | + | + | | |
| Энтомофаглар | | | | | |
| 1. | *Қаттиққанотлилар:* | | | | |
| | Хонқизилар | | | | ++ |
| | Визилдоқ қўнғизлари | | | | + |
| | Стафилинидлар | | | | + |
| | Малхамчилар | | | | + |
| 2. | *Пардақанотлилар:* | | | | |
| | Яйдоқчилар | | | | + |
| | Арилар | | | | +++ |
| | Чумолилар | | | | +++ |
| 3. | *Яримқаттиққанотлилар:* | | | | |
| | Набидлар | | | | + |
| | Ориуслар | | | | + |
| | *Тўрсимонқанотлилар:* | | | | |
| | Олтинкўзлар | | | | ++ |
| | Чумолишерлар | | | | ++ |

Шартли белгилар: + - кам даражада учраши
++- ўрта даражада учраши
+++ - кўп учраши
0-кам зарарли
00-ўртача зарарли
000–зарарли

калари кўплаб учрайди. Бу энтомофаглар яйлов ўсимликларига зарар етказувчи фитофаг зараркунандалар билан озиқланиб, уларнинг миқдорини бошқариб туради.

Афсуски, яйловлардаги чигирткаларга қарши сурункасига кимёвий курашлар ўтказишда пестицидлар таъсиридан кўплаб фойдали ҳашаротлар қирилиб кетмоқда. Ерларни назоратсиз ўзлаштириш ва бошқа ноқулай антрапоген омиллар таъсиридан табиий биоценозга ва биохилма-хилликка зарар етиб кўплаб фойдали ҳашаротлар қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун биз қир-адирлардаги ва тоғолди ҳудудлардаги яйловларда фойдали ҳашаротларни ноқулай антрапоген омиллар таъсиридан сақлаб қолиш чораларини қўллаб биохилма-хилликка зарар етказмаслигимиз лозим. Яйловларда нектар берувчи ўсимликларнинг кўп бўлиши фойдали ҳашаротлар учун қўриқхона сифатида ҳамда асаларилар учун озиқа сифатида катта аҳамиятга эга дир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонни чўл ҳудудлардаги ва тоғолди ҳудудлардаги яйловларда ноқулай антропоген омилларни (кимёвий ишлов, ёппасига нектар берувчи ўсимликларни йўқотиш, ерларни тартибсиз ўзлаштириш ва ҳ.к.) назарда тутиш тартибга солиш фойдали ҳашаротларни кўпайтириш ва асаларичиликни ривожлантиришга шароит яратади лозим, деб ҳисоблаймиз.

***Б. Болтаев, ТошДАУ.***

***Фойдаланилган адабиётлар:***

***1. Давлетшина А.Г. Насекомые Узбекистана, Труды института Зоологии и паразитологии. Ташкент, 1980 г.***

***2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. Тошкент, “Наврўз”, 2015. -552 б.***

***3. Яхонтов В.В. Вредители сельскохозяйственных растений и продуктов Средней Азии. Ташкент, 1961 г.***